

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРЖОНОВА ГҶЗАЛ МУХТОРОВНА

НЕМИС ВА ҶЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ “HAND” – “ҚЎЛ”
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

10.00.06.– Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҶЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Анджон – 2022

УДК: 811.112.2’373.7

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Phd) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Умаржонова Гўзал Мухторовна Немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли фразеологизмларнинг чоғиштирма таҳлили	3
Umarjonova Guzal Muxtorovna Comparative analysis of phraseologizm with the component “Hand”-“қўл” in the German and Uzbek languages	25
Умаржонова Гўзал Мухторовна Сравнительный анализ фразеологизма с компонентом “Hand”-“қўл” в немецком и узбекском языках	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

УМАРЖОНОВА ГЎЗАЛ МУХТОРОВНА

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ “HAND” – “ҚЎЛ”
КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

10.00.06.– Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Fil892 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарходжаев Мухторхон Ишонходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садиков Зоҳид Яқубжанович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Набиева Дилоро Абдухамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х. Шахабитдинова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.ф.д.

Д.М.Ҳошимова

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фразеологизмларни ўрганишда тил соҳибларининг мажозий фикрлаши, халқлар тарихи ва маданиятининг серқирралигини тасвирлаш муҳим манба ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда фразеологик бирликлар тилнинг турли аспектларида кенг ўрганилмоқда. Замонавий тилшунослик зиммасидаги муҳим вазифалардан бири турли тизимли тиллардаги фразеологизмларнинг шаклланишини лингвистик ҳамда экстралингвистик жиҳатларини чоғиштиришдан иборат. Тилларнинг луғат бойлиги таркибига нафақат лексик, балки минглаб фразеологик бирликларни чоғиштириш амалий аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликларнинг турли жиҳатлари тадқиққа тортилган. Турли тиллардаги фразеологизмлар хусусида қатор монография ва диссертациялар ёзилган ҳамда кўп тиллик фразеологик луғатлар тузилган. Лекин шунга қарамай фразеологик ибораларнинг шаклланиш жараёни, уларнинг тилдаги луғат бойлигини оширишдаги аҳамияти ҳали-хануз муҳим назарий аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида соматик фразеологизмлар масаласи атрофлича ўрганилган ҳамда уларнинг лексик-семантик имкониятлари кўплаб турли таҳлилларга тортилган. Аммо немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг семантик, структур-грамматик хусусиятлари ҳамда уларнинг парадигматик жиҳатларини аниқлаш юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологик иборалар тилда иккинчи бор шаклланаётган номинал бирликлардир. Шу боисдан ҳам улар структураси ва семантикасида юз бераётган ўзига хослик алоҳида изланишни тақозо этади. Зеро, “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси”¹ ҳам назарий тадқиқотларнинг амалий натижалари билан қўрсатиш лозимлигини назарда тутган. Тадқиқотнинг илмий хулосалари икки ёки кўп тиллик луғатлар тузишда амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорини амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 майдаги чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2021. – 7 май. - № 92 (348).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фразеологизмларни тилшуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланишига рус тилшунослари томонидан асос солинган. Ушбу олимлар ўз тадқиқотларида фразеологик бирликларни турлича тавсифлаб ўтганлар. Масалан, таниқли рус тилшунослари В.Л.Архангельский², Г.Л.Пермяков³, И.И.Чернишева⁴, В.В.Виноградов⁵, М.Т.Тагиев⁶, М.М.Копыленко⁷, Н.Н.Шанский⁸, А.И.Молотков⁹, Н.М.Шанский¹⁰, В.П.Жуков¹¹, А.М.Бабкин¹², В.Н.Телия¹³, А.Д.Райхштейн¹⁴ ва бошқалар. Немис тили фразеологиясининг ривожланишига эса Г.Ф.Зайлер, Х.Бургер, В.Флайшер, А.М.Бушуй, Т.Шиппан, Р.Эккерт ва Х.Гюнтер, К.Палм¹⁵ ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Фразеология соҳаси бўйича ўзбек тилшунос олимларидан: А.Шомақсудов, Ш.Раҳматуллаев, М.Хусайнов, И.Чернишева, М.Умарходжаев, А.М.Бушуй, Ҳ.Бердиёров, Б.Йўлдошев, А.Маматов, М.Вафоева, С.Ширинова, Ш.Ганиева¹⁶; немисча-ўзбекча луғатлар тузиш

² Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке. - Ростов, 1964. – С. 299.

³ Пермяков Г.Л. Избранные пословицы и поговорки народов Востока. - Москва, Изд: Наука, 1968. С. 378.

⁴ Чернишева И.И. “Фразеология современного немецкого языка”. – Ташкент, Изд: Высшая школа, 1970. - С.200.

⁵ Виноградов В.В. “Избранные труды. Лексикология и лексикография”. – Москва, Изд:Наука, 1977. - С.312.

⁶ Тагиев М.Т. Глагольная фразеология современного русского языка. Автореферат.дис. - Боку,1967. – С. 53.

⁷ Копыленко М.М. Сочетаемость лексем в русском языке. - Москва, 1973. – С. 342.

⁸ Шанский Н.М. “Фразеология современного русского языка”. – Москва, Изд: Ленанд, 7-издание, 2015. – С. 274. ISBN: 978-5-9710-1566-6.

⁹ Молотков А.И. “Основы фразеологии русского языка”. - Ленинград, Изд: Наука. Ленинградское отделение, 1977. – С. 282.

¹⁰ Шанский Н.М, В.И.Зимин, А.В.Филиппов. “Опыт этимологического словаря русской фразеологии”. - Москва, 1987. – С. 240.

¹¹ Жуков В.П. “Русская фразеология: учебное пособие”. - Москва: Высшая школа; Издание 2-е испр. и доп. 2006. - С. 408.

¹² Бабкин А.М. Русская фразеология, её развитие и источники. – Москва, 2009. – С. 264.

¹³ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. Москва, 1996. – С. 288.

¹⁴ Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. Изд.: Высшая школа Москва, 1980. – С 143.

¹⁵ Seiler F. Deutsche Sprichwörterkunde, Handbuch d.dt. Unterrichts an höh. Schulen 4.3, München, 1922; Burger H. Idiomatik des Deutschen. - Tübingen, 1973. S. 145; Burger H. Idiomatik des Deutschen. - Tübingen, 1973. S. 145; Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. Verlag: - Leipzig, 1982. - S. 250; Shippan Th. “Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache”. Verlag: Max Niemeyer. Tübingen, 1992. – S. 47-48; H.Günter. R.Eckert. Die Phraseologie der russischen sprache. Langenschedet. Verlag Enzyklopädie. 1. Auflage. 1. Januar 1992. – S. 412; Palm, Christine. Phraseologie: eine Einführung. - Tübingen: Narr, 1995.

¹⁶ Шамақсудов А.Ш. Язык сатиры Муками (лексика и фразеология). АКД. - Ташкент, 1956. – С. 18.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978. Б.407; Хусайнов М. Фразеология прозы писательницы Айдын. АКД. – Самарканд, 1959. – С. 18; И.И.Чернишева “Фразеология современного немецкого языка”. – Ташкент: Высшая школа, 1970. – С.200; Умарходжаев М.И. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря. Автореферат дисс.на соис.учен.кан.фил.наук. Москва, 1972; Бушуй А.М. Принципы отражения немецкой фразеологии в двуязычной лексикографии. Самарканд: СамГУ, 1979. – С. 74.; Бердиёров Ҳ. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. 3-қисм / Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов, Б.Йўлдошев. - Самарканд. СамДУ, 1976-1983; Маматов А. Ўзбек тили

бўйича М.Умарходжаев, Қ.Назаров, Т.Мирсоатов, М.Саттторов, Ю.Исмоилов, Ш.Каримов¹⁷; турли тизимли тилларнинг чоғиштирма тадқиқи бўйича З.Я.Садиков, А.Насиров, Л.Холмурадов, Г.Адашуллоева, Н.Насруллаева, Г.Қурбонова, Р.Ахророва, Н.Турсунова, С.Саидакбарова, Ф.Маматова, Ў.Худойназарова¹⁸ ва бошқалар тадқиқот олиб борган. Соматик фразеологизмларнинг турли аспектарини ўрганган ўзбек тадқиқотчилар: соматизмлар бўйича А.Исаев, Ш.Усмонова, У.Рашидова, Н.Турапова, Б.Бекниязов, Т.Акимов¹⁹ ва бошқалар томонидан фразеологизмларнинг турли жиҳатлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университетнинг “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик соҳалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларни структур-грамматик, семантик, парадигматик муносабатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт... дисс. автореф. Тошкент, 2000; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Самарқанд, 2007; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Фил.ф.н. дисс., 2009; С..Ширинова. Концепт «Человек» в пословицах и поговорках лезгинского и английского языков 2015. – С. 351-353; Ш.Ганиева. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш). ф.ф.д.дисс., – Фарғона, 2017.

¹⁷ Умархўжаев М., Қ.Назаров. Nemischa-ruscha-o'zbekcha frazeologik lug'at, – Toshkent: O'qituvchi, 1994. — 157 bet; Т.Мирсоатов, М.Саттторов, Немисча-ўзбекча грамматик атамалар луғати. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992, - Б. 152. Ю.Исмоилов, Ш.Каримов. Nemischa-o'zbekcha, o'zbekcha-nemischa lug'at, ISBN: 978-9943-4908-8-8, Akademnashr, 2019. – В. 734.

¹⁸ З.Я.Садиков. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутағду билиг” асарининг немисча ва инглизча таржималари қиёсий-чоғиштирма таҳлили. Фил.ф.доктори, дисс., - Ташкент, 2020. – Б. 98; Насиров А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbsиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари, ф.ф.д.дисс., - Тошкент, 2016; Л.Холмурадов. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематикидеографик талқини (лингвомаданий аспект). ф.ф.д.дисс., Самарқанд, 2017; Г.Адашуллоева. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили. ф.ф.д.дисс., - Самарқанд, 2018; Н.Насруллаева. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. ф.ф.д.дисс., - Самарқанд, 2018; Г.Қурбонова. Француз ва ўзбек тилларида ономастик компонентли фразеологизмларнинг миллий-лисоний хусусиятлари. ф.ф.д.дисс., – Тошкент, 2019; Р.Ахророва. Француз ва ўзбек тилларида “ёш”га оид семантикалик лексема ва фразеологик бирликларнинг жиҳатдан лисоний хусусиятлари, ф.ф.д.дисс., - Фарғона, 2020; Н.Турсунова. Турли тизимли тиллардаги миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг лингвокультурологик таҳлили. ф.ф.д.дисс., - Андижон, 2021; С.Саидакбарова. Инглиз ва ўзбек тилларида гастронимик фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари. ф.ф.д.дисс., - Тошкент, 2021; М.Маматова. Инглиз ва ўзбек фразеологизмларида оилавий аънава ва муносабатларнинг лингвомаданий тадқиқи. ф.ф.д.дисс., – Тошкент, 2022; Ў.Худойназарова. Инглиз ва ўзбек тилларида мифоним компонентли фразеологизмларнинг лингвокультурологик тадқиқи, ф.ф.д.дисс., – Термиз, 2022.

¹⁹ Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик иборалар. Филол. Фан. Ном. Дисс.. - Тошкент, 1998. – 162; Н.Турапова. Япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштирма таҳлили (лингвомаданий аспект), ф.ф.д.дисс., – Тошкент давл, 2020; А.Исаев. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Авто. дисс...на канд. филол. наук. - Ташкент, 1977. – С. 23; Усмонова Ш. Соматические фразеологизмы в узбекском и турецком языках. АКД. - Ташкент, 1999; У.Рашидова. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (қўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида), ф.ф.д.дисс., – Самарқанд, 2018.; Бекниязов Б.К. Қорақалпоғистон козоклари тилидаги соматик фразеологизмларнинг лингвомаданий таҳлили, ф.ф.д.дисс. – Нукус, 2021; Т.Акимов. Хитой тилидаги соматик фразеологизмлар: шаклланиши ва семантикаси. ф.ф.д.дисс., – Тошкент, 2022.

фразеологизм ва соматизмларнинг ўрганилишига доир илмий тадқиқотлар таҳлили ва тавсифини бериш;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг структур-грамматик ва семантик хусусиятларини намоён қилиш;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг луғат таркибидаги парадигматик муносабатларига кўра синонимия, антонимия, омонимия, полисемия ҳамда экспрессивлик хусусиятларини таҳлил қилиш;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг чоғиштира тадқиқида уларнинг муқобиллик турларини аниқлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар луғатини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг структур-грамматик, семантик, парадигматик ва муқобиллик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Ишда лингвистик тавсифий, таснифий, чоғиштира, компонент таҳлил, структур-грамматик ва семантик таҳлил ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

немис ва ўзбек тиллари “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг от+феъл, сифат+от+феъл каби структураси бир хил конструкцияга эга эканлиги, шунингдек, немис тилида “феълли конструкциялар”, ўзбек тилида эса “тушум келишигидаги от+феъл” ва “тўлдирувчи+феъл” конструкцияли иборалар кўп учраши билан фарқ қилиши аниқланган;

немис тилидаги соматик фразеологик бирликларнинг “Hand” компоненти асосан инсон фазилатлари ва хислатларини ифодаласа, ўзбек тилидаги “қўл” компоненти эса инсон хатти-ҳаракатларини акс эттириши билан устиворлик қилиши аниқланган;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг бошқарув, ҳокимият, ҳимоя, масъулият, алоқа, ёрдам, ҳамкорлик, куч, меҳнатсеварлик, маҳорат ва фазилат каби муқобиллари аниқланган;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар бошқарув, ҳокимият, ҳимоя, масъулият, алоқа, ёрдам, ҳамкорлик, куч, меҳнатсеварлик, маҳорат ва фазилат, салбий жиҳатлар, никоҳ, ҳамкорлик, ўғрилик, уқувсизлик, имо-ишоралар каби маъно соҳалари бир хил рамзий маънога эгаллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирлик ва соматик фразеологик бирликларнинг таърифи ва турли таснифлари берилган;

турли тиллардаги фразеологизмларнинг грамматик, сематик, парадигматик хусусиятлари ва уларнинг ҳар иккала тилда муқобилини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар фразеология соҳаси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, тилшунослик назарияси, лексикология, фразеология каби фан йўналишлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамал яратилишида ҳамда немис ва ўзбек тилларида соматик фразеологизмларнинг чоғиштирма таҳлили бўйича илмий иш олиб борувчилар учун янги назарий ва илмий маълумот сифатида хизмат қилади;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар асосида ўқув луғати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг хулосаларидан қиёсий, чоғиштирма тилшунослик, лексикология, фразеология, таржимашунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар, тил корпусларини яратиш, соматик бирликлар бўйича назарий ҳамда амалий ўқув-услубий қўлланмалар яратиш тизимини ишлаб чиқиш, ушбу фразеологик бирликларнинг луғатларда изоҳланиши учун асос бўлиб хизмат қилиши, айниқса, компьютерлашган замонавий дастурларда электрон таржима назарияси ва амалиёти ривожланиши тил корпусларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуга доир таҳлиллар натижасида олинган илмий-амалий хулосалардан “Лексикология”, “Фразеология”, “Тилшунослик назарияси”, “Лингвокультурология”, “Қиёсий тилшунослик”, “Маданиятлараро мулоқот” каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли фразеологизмларнинг чоғиштирма таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

немис ва ўзбек тиллари “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг от+феъл, сифат+от+феъл каби структураси бир хил конструкцияга эга эканлиги, шунингдек, немис тилида “феълли конструкциялар”, ўзбек тилида эса “тушум келишигидаги от+феъл” ва “тўлдирувчи+феъл” конструкцияли иборалар кўп учраши билан фарқ қилиши, немис тилидаги соматик фразеологик бирликларнинг “Hand” компоненти асосан инсон фазилатлари ва хислатларини ифодаласа, ўзбек тилидаги “қўл” компоненти эса инсон ҳатти-ҳаракатларини акс эттириши

билан устиворлик қилиши каби хулосалардан Ўзбекистон хореография академиясида бажарилган ИЗ-20190881663-рақамли “Ўзбек миллий рақс санъатини тарғиб этишга бағишланган вебсайт ва мультимедиа маҳсулотлари тўпламини яратиш” мавзусидаги лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2022 йил 11 мартдаги 1/04-14-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тайёрланган монографиялар, электрон дастурлар ва тадқиқотларнинг илмий савиясини оширишга хизмат қилган;

немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликларнинг бошқарув, ҳокимият, ҳимоя, масъулият, алоқа, ёрдам, ҳамкорлик, куч, меҳнатсеварлик, маҳорат ва фазилат каби муқобиллари келтирилган немис ва ўзбек тилларидаги “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологик бирликлар бошқарув, ҳокимият, ҳимоя, масъулият, алоқа, ёрдам, ҳамкорлик, куч, меҳнатсеварлик, маҳорат ва фазилат, салбий жиҳатлар, никоҳ, ҳамкорлик, ўғрилик, укувсизлик, имо-ишоралар каби маъно соҳалари бир хил рамзий маънога эгаллиги аниқланганлиги каби хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққияёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат муассасасининг 2022 йил 25 мартдаги 04-36-649-сон маълумотномаси). Натижада эшиттиришларнинг мазмуни ва бадиий савиясини мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Ушбу тадқиқот иши бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 4 та республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 1 та ўқув луғат нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Мазкур тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топиб, умумий ҳажми 163 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар в диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Тилшуносликда соматик фразеологизмларнинг тадқиқи хусусида”, деб номланиб 3 та фаслдан иборат. “Фразеологик бирликларнинг ўрганилиш тарихига доир қараш ва назариялар” номли 1 чи фаслида фразеологизмларнинг ўрганилиш тарихи, назарияларнинг шаклланиши, фразеология ва уни тилшунослик фанининг бир соҳаси сифатида тутган ўрни, немис, рус ҳамда ўзбек тилшунос олимларининг фразеология ҳақидаги тасниф ва таърифлари ёритилган. Тилнинг ўз ички имконияти, ўзига хос хусусиятларидан бири фразеологизмлар ҳисобланади. Дунёдаги ҳар қандай тилнинг бойлиги нафақат лексик бирликлардан, балки мавжуд минглаб турғун иборалардан ташкил топиб, шу билан бирга мазкур турғун бирикмалар ҳам тил луғат бойлигининг бир қисмини ташкил қилади.

Тилнинг содда таркибли луғавий бирликларидан фарқли равишда камида икки ва ундан ортиқ сўзлардан иборат, тўлиқ ёки қисман семантик ўзгартирилган таркибий қисмларни ўз ичига олиб, яхлит бир маъно англатувчи сўз бирикмалари - **фразеологик бирликлар** дейилиб, уни ўрганувчи фан – **фразеология** дейилади. Фразеология атамасига илк бор ХХ аср дунё тилшунослигида фразеология бўйича тадқиқотлар олиб борган кўзга кўринган олим швейцариялик тилшунос Шарль Балли (1865-1947) томонидан асос солган. Унинг таъкидлашича, структурал хусусиятлар фразеологизмларнинг ташқи, семантик табиати эса унинг ички белгисидир.

Фразеологизмларнинг тилшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланишига рус тилшуноси В.В.Виноградов томонидан асос солинган. У ФБларни семантик хусусиятларига кўра тавсифлаб, уларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилган: 1) фразеологик чатишма (тўлиқ кўчма маънога эга, семантик жиҳатдан қисмларга ажралмайди, умумий маъноси компонентлар лексик маъносидан келиб чиқмайди: *тарвузи қўлтигидан тушмоқ*); 2) фразеологик бирлик (яхлит кўчма маънога эга, умумий маъноси компонентлар маъносидан келиб чиқиши мумкин: *қўл кўтармоқ (урмоқ)*); 3) фразеологик бирикма (қисман кўчма маънога эга, компонентлари осонгина ажратилиши ёки синонимларига алмаштирилиши мумкин: *қўлга олмоқ, қўлга киргизмоқ*).

В.Флайшер лексикология ҳамда фразеологияга оид назариялар масалаларига кўпроқ эътибор қаратган. У фразеологик бирликларнинг хусусиятларига ва тадқиқот усулларига қараб, тилнинг фразеологик таркибини турли хил таснифлашни таклиф қилган. У ФБларнинг семантик ва семантик-структур барқарорлиги, лексикаллашуви нутқ ва матн тайёрлашда лексик бирлик хусусиятларини кўрсатувчи асос деб ҳисоблайди. В.Флайшернинг “Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache” асари Германияда фразеологияга оид тадқиқотларнинг кенг миқёсда олиб борилишига сабаб бўлди ва 1980 йиллар охирига келиб, фразеологияга бўлган қизиқиш жадал суръатлар билан ўсиб, илмий тадқиқотлар қилина бошланди.

Фразеологик бирликлар тадқиқи масаласи ўзбек тилшунослари томонидан ҳам олиб борилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар ФБнинг шаклланиши, унинг ўзига хос белгилари, тараққиёти, турли жиҳатлари, турли тизимли тиллар ФБларини чоғиштириш, икки ва ундан ортиқ тилли луғатлар тузиш масалаларини ўз ичига олади.

М.Умарходжаев “Очерки по современной фразеографии” номли асарида фразеологик бирликларнинг сўз ва сўз бирикмаларидан ўзига хос ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида қоидаларни таҳлил қилиш орқали фразеологик назарияларни умумлаштириб: “Фразеологик бирликлар камида иккита тўлиқ ёки қисман семантик ўзгартирилган таркибий қисмларни ўз ичига олган сўз бирикмалари бўлиб, алоҳида сўзлар, ҳар қанча қайта ишланмасин, фразеологик бирликлар бўла олмайди”²⁰ дейди.

“Соматик фразеологик бирликлар лисоний тадқиқотларнинг ўрганилиш объекти сифатида” номли иккинчи фаслида фразеология соҳасидаги сўз бирикмаларининг энг қадимги қатламларидан бири – соматик фразеологик бирликлар (СФБ) таснифи ёритилган. Таркибий қисмлардан бири сифатида тана қисмини ўз ичига олган фразеологизмларга тилшуносликда “соматизм” деб ном берилган. Ушбу атама қадимги юнонча “σῶμα” (сома) сўзидан келиб чиққан бўлиб, у “тана” деган маънони англатади²¹. Илк бор эстон тилшунос олими Вакк Феликс Александрович эстон тил фразеологизмларини таҳлил қилиш жараёнида, таркибида инсон танаси қисмларидан иборат фразеологик бирликларни “соматизм” атамаси билан тилга олган. Замоनावий тилшуносликда “соматизм” атамаси чегаралари аниқланмаганлиги туфайли ҳар бир тадқиқотчи ўз иш мақсадларига мос келадиган қарашлардан келиб чиқиб турлича таснифлаганлар. Тилшунос олим Ф.Вакк соматизмларни инсон ёки ҳайвоннинг тана қисмлари, тўқималар ва суяклар (қон, суяк, асаб ва ҳақозо) номларини, шунингдек, рамзий имо-ишоралар ва юз ифодаларини таърифловчи сўзларни ўз ичига олган барқарор лексик бирликлардир деб тавсифласа, немис тилшуноси С.Штаффелд: “Somatismen (oder auch: somatische Phraseologismen) sind relativ feste polylexikalische sprachliche Einheiten mit mindestens einer Körperteilbezeichnung als einer ihrer Konstituenten”²² – яъни, таркиби тананинг камида бир аъзосидан ташкил топган СФБлар турғун қўлланувчи тил бирлигидир деб содда ва аниқ таърифлаган. Соматизмлар деярли барча халқларда кузатиладиган ҳолатларни акс эттиради: *viele Hände machen der Arbeit schnell ein Ende (zu mehreren kann man eine Arbeit scheller erledigen)* – кўндан қуён қочиб қутулмас; *eine Hand wäscht die andere (ein Dienst zieht natürlich einen Gegendienst nach sich)* – сиздан угина, биздан бугина. СФБларнинг компонентлари семантик тарзда ўзгартирилган ФБларнинг ажралмас қисми ҳам дейилади.

²⁰ Умарходжаев М. Очерки по современной фразеографии. Изд: Фан. - Тошкент, 1977. – С. 27.

²¹ Большой фразеологический словарь русского языка. Под.ред. В.А.Телия. - Москва, 2006. – С. 784.

²² Staffeld S. „Körper-Sprache: Zur Motiviertheit von Körperteilbezeichnungen in Phraseologismen“. In: Sprachwissenschaft, 33. 2008, S. 45.

Учинчи фасл “Hand”-“Қўл” сўзининг соматик фразеологик компонент сифатида шаклланган маъноси” деб номланиб, унда “Hand”-“қўл” сўзининг компонент сифатида шаклланган маъноси ёритилган. Инсон авваломбор ўз фитрати²³дан келиб чиқиб, дунёни тил орқали вербал ифодалашга мажбур бўлганда, тасвирлар ва метафоралар ёрдамидан фойдаланади. Немис тилшунос олими Ханс Шеманнинг таъкидлашича, инсон нутқ қобилятига эга бўлишдан олдин, тасвирлаш қобилятига эга бўлган экан²⁴. Унинг чақалоқни ривожланиши бўйича кузатувларида, ўз муҳитини қўллари билан тушунмаган болалар кўпинча, нутқи ривожланишида орқада қолиб кетганини аниқлаган. Унинг ўз тадқиқотида маънавий қиёфадаги ўзгаришни метафорик ифода орқали ундан олинган маънога қайта тиклашга уриниб кўрган. “Hand”-“қўл”га одатда фаолият, куч ва адолат рамзи сифатида, ваъда бериш, чақириш, хайрихоҳ бўлиш, тахдид қилиш, рад этиш, ифода этиш, қайғу, тавба қилиш, ўлчов, миқдор, хайратни англатиш учун ишлатамиз.

Тадқиқотимизнинг “Немис ва ўзбек тилларида “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг лисоний таҳлили” номли иккинчи бобида биз, “Hand”-“қўл” компонентли СФБнинг структур-грамматик ҳамда семантик таснифига асосий эътиборимизни қаратдик. Турли тизимли тилларни чоғиштириш жараёнида уларнинг ички хусусият ва моҳияти янада яққолроқ намоён бўлади. Тилнинг вазифаси мулоқот қилиш ва маълумотни узатиш билан бирга, тил воситаларининг ички шакли ва грамматик структурасини ифодалаш ҳамдир. Ушбу бобнинг “Немис ва ўзбек тилларида “қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг структурал-грамматик хусусияти” номли биринчи фаслида биз, немис тилшуноси В.Флайшернинг таснифлаш ёндашув назариясига таянган ҳолда немис тилидаги “Hand” компонентли СФБнинг структур-грамматик жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиб таҳлил қилдик. (2.1-расмга қаранг)

1) От соматик фразеологик бирликлар (82 та – 25%) 6 кичик гуруҳдан иборат: **1) От+предлог+от конструкцияси (NPrN):** *Hand aufs Herz!* – Тўғриси/ростини айт! Чин юракдан! *Mal Hand aufs Herz: Braucht Deutschland noch eine neue tägliche Serie?* Ростини айтайлик; Германияга янги серия керакми? (<https://books.google.com>). **2) От+предлог+кенгайтирилган от конструкцияси (NPrNкенг):** *Die Beine / Fuße in die Hand nehmen* – оёгини қўлга олиб югурмоқ; жонини борича югурмоқ; *Wenn wir den Zug noch erwischen wollen, müssen wir aber die Beine in der Hand nehmen.* Агар биз поъездга етиб олишни истасак, оёғимизни қўлимизга олиб югуришимиз керак (<https://books.google.com>). **3) От+und+кенгайтирилган от конструкцияси (NundNкенг):** *nicht Hand und Fuß haben* – ёмон тайёрланган; мантиқсиз; носоғлом; ишончли эмас. *Nie würden sie uns etwas raten, was nicht Hand und Fuß hat ...* Улар бизга ҳеч қачон мантиқсиз нарсани маслаҳат

²³ Умархўжаев Э.М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. - Тошкент, 2016. – 166-б.

²⁴ Schemann Hans. „Idiomatik und Anthropologie: Bild und Bedeutung in lingvistischer, sprachgenetischer Perspektive“. Jms, 2000. – S. 35.

бермайдилар... (<https://books.google.com>). 4) **Предлог+от конструкцияси (PrN):** *unter der Hand* – яширинча, хуфя, ноқонуний (сотмоқ ёки олмоқ); *Ich habe dir das Fehlende unter der Hand besorgen können; das habe ich unter der Hand erfahren.* Мен сенга нима нарса етишмаётганини яширинча билиб олдим; мен буни ими-жимиди билиб олдим. (<https://books.google.com>). 5) **Предлог+от+предлогли гуруҳ конструкцияси (PrNPrextd.):** *nicht von der Hand zu weisen sein* – қўлдан бой бермаслик; *Diese Möglichkeiten ist nicht (ganz) von der Hand zu weisen.* Бу имкониятни қўлдан чиқариб бўлмайди. (<https://books.google.com>). 6) **Предлог + от + und + от конструкцияси (PrNundN):** *sich mit Händen und Füßen (gegen jdm. etw.) sträuben / wehren* – тиш-тирноғи билан қарши чиқмоқ; *Gilberg wehrt sich mit Händen und Füßen gegen die feministische Front.* Гилберг феминистик жабҳага қарши тиш-тирноғи билан курашди. (*Wilhelm, Unter 147*).

II Сифат конструкцияли соматик фразеологик бирликлар (40 та – 12%)

➤ **Сифат+от+фёъл конструкцияси (Adj.NV):** *eine hohle Hand machen (bestechlich sein)* – сотқин; қўли қинғир; *Auch unter den Zollbeamten gab es einige, die eine hohle Hand machen.* Ҳатто божхоначилар орасида ҳам қўли қинғирлар бор эди. (https://universal_lexikon.de).

III Равиш соматик фразеологик бирликлар (26 та – 8%)

Предлог+кенгайтирилган от конструкцияси (Prextd.N): *mit leeren Händen* – куруқ қўл билан келмоқ; *Wir können doch nicht mit leeren Händen kommen, wenn übers Wochenende bei ihnen eingeladen sind.* Дам олиш кунларида бизни таклиф қилишса, куруқ қўл билан бора олмаймиз. (<https://books.google.com>).

IV. Фёъл конструкцияли соматизмлар (178 та – 55%) 7 кичик гуруҳдан иборат: 1) **От (артикл ё артиклсиз)+фёъл конструкцияси (NV):** *jmdm. die Hände schmieren* – кимнидир пора бериб, сотиб олмоқ; оғзи-бурнини мойламоқ; *Die Genehmigung ist kein Problem, wenn man den richtigen Leuten die Hände schmiert.* Агар сиз керакли одамларни оғзи-бурнини мойласангиз, рухсатнома муаммо эмас. (<https://books.google.com>). 2) **От+предлог+фёъл конструкцияси (NPrV):** *die Hand nach jmdm./etw. austecken* – бировни мулкига, нарчасига кўз олайтирмоқ; *Er steckte seine Hand nach dem Leiter der Organisation aus.* У ташкилот раислик лавозимида кўз олайтирди. 3) **Кенгайтирилган от+фёъл конструкцияли соматизмлар (Nextd.V):** *Durch viele Hände gegangen sein (oft den Besitzer gewechselt haben)* – қўлма қўл бўлмоқ; қўлдан қўлга ўтмоқ; *Es war ein recht zerlesenes Exemplar, das schon durch viele Hände gegangen war.* Бу кўп қўлма қўл бўлган анча эскирган нусха эди. (<https://books.google.com>). 4) **Предлогли гуруҳлар+фёъл конструкцияси (PrV):** *in guten / schlechten Händen sein / liegen (in sicherer Obhut, guter Betreuung sein)* – яхши қўлда бўлмоқ (с.сўз: хавфсиз жойда бўлмоқ, яхши ғамхўрлик қилмоқ). *Die Kinder waren bei der Großmutter in guten Händen.* Болалар бувисиникида - яхши қўлларда эди. (<https://books.google.com>). 5) **От+асосий фёъл+ёрдамчи фёъл конструкцияси (NVmain.Vaux.):** *nicht von der Hand zu weisen sein (nicht zu verkennen sein; sich nicht ausschließen sein)* – қўлдан бой бермаслик; *Diese*

Möglichkeiten ist nicht (ganz) von der Hand zu weisen. Бу имкониятни қўлдан бой бермаслик керак. (<https://www.redensarten>). **6) От+асосий феъл+модал феъл конструкцияси (NVmain.Vmodal):** *sich (D) etw. an einer Hand / beiden Händen abzählen können (nur in einigen Zeit votliegen)* – қўл билан саноқли даражада оз бўлмоқ; *Man kann sich an einer Hand abzählen, für welchen Wirbel die E-mails gesorgt haben.* ‘Электрон почта хабарлари туфайли юзага келган нотинчлик қўл билан саноқли даражада оз’. (<https://books.google.com>). **7) Феъл+кенгайтирилган от конструкцияси (Vextd.N):** *Küss die Hand /die Hände! (österr.)* – Қўлини ўп!

Ўзбек тили “қўл” компонентли соматизмларнинг таркибига кўра қуйидагича структур-грамматик таҳлил қилдик:

➤ **От+феъл конструкцияси (NV) 17 та – 13%:** *қўл келмоқ (манфаатига хизмат қилмоқ).* Урушда орттирган тажрибаси кейин ҳам қўл келди. (Ў.Хошимов. *Тушда кечган умрлар. 34-б*). **II. От+Сифат (NAdj.) 14 та -11%:** *қўли очик (очик кул, сахий)* - Дунёда шунақа очик қўл, меҳмон учун бағрини очадиган кишилар борлигидан таъсирланиб кетди (*Саид Аҳмад. Уфқ. 47-б*). **III. Сифат+От (Adj.N) 13 та – 10%:** *қаттиқ қўл (бераҳм);* – Баковуллар қайла пиширган Баҳлулни титиб, саройнинг энг қаттиқ қўл терговчисига топширдилар (*П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 280-б*); **IV. От+сифат+феъл (NAdj.V) 3 та – 2.5%:** *қўли калта бўлмоқ / қўли қисқа бўлмоқ (чекланган имкониятга эга бўлмоқ);* Отаси камокда ётган, қўли қисқа бўлиб қолган кўевга рози бўлармикин! (Ў.Хошимов. *Тушда кечган умрлар. 100-б*). **V. Сифат+от+феъл (Adj.NV) 4 та – 3%:** *кимнингдир ўнг ёки чап қўли бўлмоқ;* Бу киши Азизбекнинг амри лашкари ва ўнг қўли бўлган Райимбек додхоҳ эди. (*А.Қодирий. Ўтган кунлар. 44-б*). **VI. Сон+От конструкцияси (Num.N) 9 та – 7%:** *беш қўл баробар эмас;* – Лекин беш қўл баробар эмас, ҳазратим... (*П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 273-б*). **VII. Тушум келишигидаги от+феъл (Nacc.V) 19 та – 15%:** *қўлини бигиз қилмоқ;* Назарида ҳамма уларни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек эди. (Ў.Камол. *Тубсизлик гирдобиди. 63-б*). **VIII. Жўналиш келишикда от конструкцияси+феъл (Ndat.V) 10 та – 8%:** *қўлга тушмоқ;* Менинг қўлимга тушибди, тақдирга тан бериб ўтирсин. (*А.Қодирий. Ўтган кунлар. 168-б*). **IX. Ўрин-пайт келишигидаги от+феъл (Nins.V) 7 та – 5.5%:** *қўлида ўсмоқ / қўлида қолмоқ;* Унинг ўрнига Бобурнинг қўлида ўсган тоғаваччаси, марҳум Олачахоннинг ўн етти яшар ўғли Саидхонни тахтга чиқармоқчи эмишлар. (*П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 214-б*). **X. Чиқиш келишикдаги от+феъл (Nprep.V) 13 та – 10%:** *қўлдан кетмоқ;* Бобур Андижонни қўлдан кетганини эшитди-ю, назарида, бутун борлиқ зилзила ичида қолди, еру кўк чайқалиб силкиниб кетди. (*П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 84-б*). **XI. Тўлдирувчи + феъл (CV) 19 та – 15%:** *қўл учида яшамоқ* – Кексайиб қолган, қўл учида рўзгор тебраталиган ота-онаси бу харжларни қандай тўлайди? (*Саид Аҳмад. Уфқ. 92-б*). **XII. Жуфт от+феъл (dop.NV) 6 та – 5%:** *қўли-қўлига тегмай;* Қассобнинг қўллари-қўлларига тегмас, баққолларнинг қўллари тарозидан бўшамасди. (*С.Аҳмад. Уфқ. 31-б*).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, немис ва ўзбек тиллари турли тил оилаларга

мансублигига қарамай, структур-грамматик жиҳатдан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланди. Масалан: ҳар иккала тилларадаги NV, Adj.NV ҳамда немис тилидаги Nextd.V билан ўзбек тилидаги Nacc.V, Ndat.V, Nins.V, Nprep.V конструкциялари таркибида **ўхшашликлар** мавжуд; 2) немис тилида “Феъл конструкцияли” (55 %), ўзбек тилида эса “тушум келишигидаги от+феъл” ва “тўлдирувчи+феъл” конструкцияли иборалар (19%) энг кўп учраши билан **фарқ** қилади. (2.3-, 2,4-жадвалларига қаранг).

Ушбу бобнинг “**Немис ва ўзбек тилларида “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг семантик хусусияти**” номли иккинчи фаслида биз, немис ва ўзбек тилларидаги соматизмларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиб, уларни мазмуний хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, 5 та идеографик гуруҳга ажратдик.

I. Инсон фазилатлари, хислатлари ва характери бўйича ифодаловчи “Hand–қўл” компонентли соматик фразеологизмлар гуруҳи (72 та – 22%). Инсон фазилатлари, хислатлари ва характерини билдирувчи ушбу гуруҳимиз “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг алоҳида катта гуруҳи бўлиб, у қуйидаги бўлимлардан иборат: **а) меҳнатсеварликни ифодаловчи,** немис тилида: *viele Hände machen der Arbeit schenell ein Ende* – кўпдан қуён қочиб қутулмас; *Wenn wir alle mithelfen, ist das Zimmer in einer halben Stunde ausgeräumt; viele Hände machen der Arbeit schnell ein Ende.* Агар ҳаммамиз ёрдам берсак, хона ярим соат ичида тоза бўлади, кўпдан қуён қочиб қутилмас. (https://universal_lexikon.de). Ўзбек тилида: *оёғи олти, қўли етти* – (ишчан/меҳнаткаш қўл); Хотин-халаж, тўн кийган, салла ўраган чоллар, Маузернинг ҳамкасблари бўлса керак, оёғи олти, қўли етти бўлиб югургилаган ёш-яланглар тўпланди; *Ў.Хошимов. Тушда кечган умрлар. 82-б).*

б) дангасалик ифодаловчи, немис тилида: *die Hände in den Schoß legen* – бекор юрмоқ; қўл қовиштирмоқ; *Wir, Herr Pfarrer, können dabei unsere Hände abwartend in den Schoß legen.* Жаноб руҳоний, биз ҳеч нарса қилмасдан қўлларимизни қовиштириб, кутишимиз мумкин. (*Krist, Auffuhr 222*). Ўзбек тилида: *қўл учида иш қилмоқ:* Азизхоннинг номи Дўнан Дўсматов билан баробар тилга тушиб турганда, Лутфиниса қўл учида иш қилишни эп кўрмасди. (*С.Аҳмад. Уфқ. 149-б*). **в) қобилият ёки маҳорат ифодаловчи -** *eine leichte Hand haben* – осонгина бажармоқ; юлдузни бенарвон урмоқ; *Ein Argument der Japaner kann nicht so leicht von der Hand gewiesen werden.* Японлар томонидан илгари сурилган далиллардан бирини осонликча рад этиб бўлмайди. (<https://context.reverso.net>). Ўзбек тилида: *қўли гул* – Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор. Қўли гул одам. (*А.Қаҳҳор. Хотинлар*). **г) салбий жиҳатларни ифодаловчи,** немис тилида: *die Hand auf die/auf der Tasche halten* – бермасни оши пишмас / бахил бўлмоқ / кишда қор сўраса бермайди / томса ялар (зикналик / хасислик қилмоқ): *Mit Trinkgeld ist bei dem nichts, der hält die Hand auf der Tasche.* У чойчақа бермай, зикналик қилиб турарди. (<https://books.google.com>). Ўзбек тилида: *қўлини совуқ сувга*

урмаслик: Нусратилла рўзғорда қўлини совуқ сувга урмайди. (А.Мухтор. Она-сингиллар).

II. Ҳаракатни ифодаловчи “Hand”-“қўл” компонентли соматик фразеологизмлар (46 та – 14%): а) **қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ**, немис тилида: *jmdm. zur die Hand gehen* – кимнидир қўллаб-қўвватламоқ; *...das war die uralte Mutter Glusch, die dort ihre verwitwete Schwiegertochter besuchte, um ihr beim Einkochen von Pflaumen zur Hand gehen.* ... бу қадимги она Глюс эди, у ўзининг бева келинига олхўри пиширишда ёрдам бериши учун у ерга ташриф буюрди. (Böll, Erzählungen 181). Ўзбек тилида: - **ёрдам қўлини чўзмоқ** (моддий, маънавий рағбатлантирмоқ); Оғир пайтда ёрдам қўлини чўздилар. (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. 181-б). б) **иложсиз ҳолатларда қилинадиган ҳатти-ҳаракатларни** ифодаловчи соматизмлар, немис тилида: *mit Händen und Füßen (gegen jmdm./etw) sträuben* – кимгадир ёки нимагадир тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилмоқ; *Johann wehrt sich mit Händen und Füßen gegen die Jugendgruppe.* Йохан ёшлар гуруҳига тиш-тирноғи билан қарши чикди. (<https://universal.lexikon.de>). Ўзбек тилида: **кимнидир қўлида ўйин қилмоқ/бўлмоқ** (масхара бўлмоқ); Шунинг ила сизни-да, ўзимни-да Ҳомид қўлида ўйин бўлмоғимизга катта йўл очқан эдим. (А.Қодирий. Ўтган кунлар. 145-б). в) **зўравонлик ва жиноятни англаувчи:** немис тилида: *die Hand gegen jmdn.* – кимгадир таҳдид қилмоқ / пўписа қилмоқ / қарши чикмоқ; *Er gehobt die Hand gegen die Polizei.* У полицияга қарши қўлини кўтарди (<https://context.reverso.net>). Ўзбек тилида: **қўл кўтармоқ** (урмоқ); Чеченларга нон берганларга қўл кўтарсам, Зели оғамнинг руҳи чирқиллайди. (Тоҳир Малик. Шайтанат. 4-китоб. 34-б). г) **турли ҳаракатни акс эттирувчи соматизмлар**, немис тилида: *jmdn. mit offenen Armen aufnehmen* – қўл очиклик билан кутиб олмоқ; *Nachdem ich Sie abgeschlachtet haben...werden ihre Leute mich mit offenen Armen aufnehmen.* Сизни ўлдирганимдан кейин одамларингиз мени кучоқ очиб кутиб олишади. (<https://context.reverso.net>). Ўзбек тилида: **қарс икки қўлдан чиқмоқ**; У энди Тахминанинг ҳам жароҳатига қаттиқ туз сепиб, бу билан унга қарс ҳамиша икки қўлдан чиқади, деган ҳақиқатни ишора қилиб қўймоқчи бўлди. (С.Қаҳҳор. Дайди қизнинг дафтари. 243-б.).

III. Инсонлар орасидаги муносабат (41 та – 13%). Қўл - инсонлар орасидаги турли: яхши / ёмон қўлларда бўлишни, оила қуриш, химоя, ҳамкорлик қилиш, ўзаро олиш ва бериш каби муносабатларни ифодаловчи асосий қурол ҳисобланади: а) **Никоҳни ифодаловчи соматизмлар**, немис тилида: *um jmds. Hand anhalten/bitten*– қўлини сўрамоқ; „Robert hatte sich des Öfferen gefragt, welcher Weise sein Vater wohl um die Hand der Mutter angehalten hatte“ (U.Schweikert. Berlin Friedrichstraße: Novembersturm. S. 20); ўзбек тилида: **қўлини сўрамоқ**; Бир йилдан сўнг бир диндор йигит мени қўлимни сўраб келди. (А.Шанликўгли. Виждон азоби. 63-б); б) **химоя воситаси:** *die/seine Hand für jmdn., etw. ins Feuer legen* – боши билан жавоб бермоқ; ўзбек тилида: **қўл остига олмоқ**; в) **ҳамкорлик:** немис тилида: *bei etw.(D) die Hand im Spiel haben* – тил бириктирмоқ; *Das konnte er sich denken,*

dass natürlich der Chef da seine Hand wieder im Spiel hatte. Бунда, албатда бошлиқ билан тил бириктирганини тасаввур қиларди. (*O.R.Plievier, Stalingrad* 287). Ўзбек тилида: *қўл ташлашмоқ / келишмоқ*; Бу бойликка тенг шерик бўлиш ҳақидаги оғзаки аҳдномага қўл ташлашди. (*Тоҳир Малик. Шайтанат. 4-китоб. 242-б*).

IV. Мулкка эгалик, назорат, ҳукмронлик (55 та- 17%). Қўл аввало ҳар доим куч, эгалик ва ҳимоя рамзи бўлиб келган. Герхард Коблернинг²⁵ этимологик луғатида қўл - назорат, куч, таъсир, бошқарув, давлат ва мулк ҳуқуқини яъни, қўл - ҳукмрон куч маъносини англатади: **а) назорат ёки ҳукмронлик қилмоқ:** немис тилида: *in jmds. fester Hand sein* (ugs.) – ‘қўлига ўтмоқ’; *Mittlerweile sind die Feinde weg und die Staat ist in fester Hand von Völker.* Айни пайтда душманлар ғойиб бўлди ва шаҳар халқ қўлига ўтди. (<https://context.reverso.net>). Ўзбек тилида: *қўлга олмоқ; босиб олмоқ*; Бизни кайфлигимизда қўлга олгансан. (*Тоҳир Малик. Шайтанат 2. 79-бет*); **б) бошқарув ёки давлат,** немис тилида: *alle / die Fäden (fest) in der Hand haben* – жиловини ўз қўлида тутмоқ; *Nachdem er über 15 Jahre als Schauspieler für das Theater tätig war, hält er nun als Leiter selbst die Fäden in der Hand.* (<https://deutschlernerblog.de>); ўзбек тилида: *қўл остида ушламоқ*; **в) эгалик қилмоқ,** немис тилида: *jmdm. in die Hände fallen/kommen II (Besitz kommen)* – қўлга олмоқ, эгаллаб олмоқ; *Der Spähtrupp ist dem Feind in die Hand gefallen.* Разведкачилар гуруҳи душман қўлига ўтди. (<https://books.google.com>). Ўзбек тилида: *қўлга олмоқ (эгалламоқ)*; Унинг сўзлари қипчоқларни йўқотиб, ҳукуматни шаҳарликлар қўлига олиш эди (*А.Қодирий. Ўтган кунлар. 62-бет*); **г) олдириб қўймоқ,** немис тилида: *jmdm. unter den Händen zerinnen* – қўлдан кетмоқ; *Das Vermögen zerrann ihm unter den Händen.* Унинг бойлиги қўлдан кетди. (https://universal_lexikon.de). Ўзбек тилида: *қўлдан чиқармоқ*; Шуни тагин қўлдан чиқарсанг, икки кун овқатдан тортиб қўяман. (*А.Обиджон. Олтин юракли автобола. 47-бет*).

